

# КУТУБХОНА ФЙДАЛАНУВЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида кутубхона раҳбарияти билан фойдаланувчилар уқитувчилар, уқувчилар, талабалар, тадқиқотчилар, олимлар ва бошқалар ўртасида йил якунларига бағишланган барча хизмат раҳбарлари, кутубхона фойдаланувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган “Очиқ мулоқот” бўлиб ўтди.

Тадбирда кутубхона директори А. Ходжаев мамдакатимизда кутубхоначилик соҳасига доир эълон қилинган қонунчилик ҳужжатлари, уларда кузланган мақсадлар билан таништирди. 2016 йилда ўтказилган тадбирлар ҳақида

маълумотларни келтирди ва таҳлил этди.

Бу йилда Миллий кутубхона жами 323 та турли мавзуларга оид кўргазмалар, расмлар ва амалий санъат асарлари кўргазмалари ва ижтимоий-маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказди. Кутубхонага 701 мингдан зиёд ташрифлар амалга оширилган. 5 миллиондан зиёд нусхада китоблар берилган, 226 та ташкилотдан келган 9767 та иштирокчи учун кутубхона бўйлаб таништирув экскурсиялари ташкил этилган. Шунингдек, кутубхонанинг амалдаги ва режалаштирилаётган лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Очиқ мулоқот доирасида фойдаланувчиларнинг кутубхона иши ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари тингланди, фикр алмашилди. 2017 йилги истиқбол режалари ҳақида фикр юритилди. Фойдаланувчи-

лар интернет орқали илмий диссертацияларни олиш имконияти, фойдаланувчилар учун қўшимча жойлар яратиш, хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини яхшилаш, чет тиллар ўқитиш бўйича қўшимча гуруҳларни очиш хусусида ўз таклифларини киритдилар. Мулоқот қатнашчиларига мазкур масалалар бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилди. Кутубхона директори



фойдаланувчиларнинг ҳайрихоҳлиги ва кутубхона фаолиятига бепарқ эъзаблиги ва уларнинг кутубхона билан фаол ҳамкорлик қилаётганини мамнуният билан қабул қилди, мин-

натдорчилик билдирилди.

Йигилиш қатнашчилари ўзлари томонидан берилган саволларга батафсил ва тулақонли жавоб олдилар. Тадбир доирасида “Энг фаол фойдаланувчи – 2016” танловининг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда кутубхона фойдаланувчилари орасида энг кўп ташриф буюрган, китобларга, диссертация ва бошқа илмий ишларга, газета ва журналларга буюртма беришлар, шунингдек, ўзининг ташубуускорлиги ва фаоллиги билан алоҳида ажралган фойдаланувчилар кутубхонанинг эсдалик соvgалари билан тақдирландилар.

